



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 25 yil « 11 » fevral

№ 78

Toshkent sh.

Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларни касб-хунарга ўқитишида тадбиркорлик субъектларини жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларини хорижий тил ва замонавий касбларга ўқитиши бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2024 йил 2 февралдаги ПҚ-53-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларини касб-хунарга йўналтириш, мактабга тадбиркорлик субъектларини манфаатли ҳамкорлик асосида жалб этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 2 февралдаги ПҚ-53-сон қарорида тадбиркорлик субъектлари ва ҳунармандларни умумий ўрта таълим муассасаларига (кейинги ўринларда – мактаблар) жалб қилиш орқали ўқувчиларни касб-хунарларга ўқитишини ташкил этишининг йўналишлари белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Ўқувчиларни касб-хунарга ўқитишида умумий ўрта таълим муассасалари ва тадбиркорлик субъектларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан**:

умумий ўрта таълим муассасалари ва тадбиркорлар ўртасидаги ҳамкорлик йўналишлари;

умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларни касб-хунарга ўқитишини ташкил этиш тартиби;

тадбиркорлар томонидан мактабларда касб-хунар тўгаракларини ташкил этиш асослари;

умумий ўрта таълим муассасаларининг бўш турган биноларини тадбиркорларга ижарага беришда умумий ўрта таълим муассасаси ва тадбиркорларнинг мажбуриятлари.

3. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги:

2025 йилдан бошлиб ўқувчиларни уларнинг иқтидори ва қизиқишиларига мос касб-хунарга йўналтириш, замонавий касблар билан яқиндан танишириш мақсадида 8-синф ўқувчилари учун Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда саноат, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, агротехнология соҳаларидаги корхона ва ташкилотларга экскурсиялар ташкил этсин;

ҳар йили 1 апрелга қадар келгуси ўқув йилида касб-хунарга ўқитиш жорий этиладиган мактаблар рўйхатини шакллантирсин ва тасдиқласин;

ҳар йили 1 майга қадар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан келишган ҳолда, ўқувчиларни дарсдан бўш вақтларида касб-хунарга ўқитиш жорий этиладиган мактабларга тегишли бўш биноларнинг манзилли рўйхатини шакллантириб, Савдо-саноат палатаси ва Давлат активларини бошқариш агентлигига тақдим этсин;

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан биргаликда **2024/2025 ўқув йили якунига қадар** мактаблар битирувчиларини эгаллайдиган касб-хунари бўйича амалий имтиҳондан ўтказиш ва уларга электрон сертификат бериш тартибини жорий этиш чораларини кўрсин;

Ўқувчиларни дарсдан ташқари вақтларида касб-хунарга ўқитишда тадбиркорларни жалб қилиш амалиётини 2025/2026 ўқув йилида тажрибасинов тариқасида Сирдарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ўтказиб, тажриба-синов натижаларидан келиб чиққан ҳолда, ушбу амалиётни бошқа худудларда ҳам жорий этиш юзасидан таклифларни **2026 йил 1 июлга қадар** Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Савдо-саноат палатаси:

ҳар йили 1 июнга қадар “20 минг тадбиркор – 500 минг малакали мутахассис” дастури (кейинги ўринларда – Дастур) иштирокчиларига мактабларнинг бўш бинолари тўғрисидаги маълумотларни етказиш;

ҳар йили 1 июлга қадар мактаблар билан ўқувчиларни касб-хунарга ўқитиш бўйича ҳамкорлик қилиш истагини билдирган Дастур иштирокчилари рўйхатини шакллантириш ва Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига тақдим этиш;

Дастур иштирокчиларининг фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш чораларини кўрсин.

5. Давлат активларини бошқариш агентлиги ўқувчиларни дарсдан бўш вақтларида касб-хунарга ўқитиш истагини билдирган Дастур иштирокчиси сертификатига эга бўлмаган тадбиркорларга мактабларнинг бўш биноларини белгиланган тартибда “E-auksion” электрон савдо платформаси орқали ижарага бериш чораларини кўрсин.

6. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги:

Савдо-саноат палатаси билан биргаликда **ҳар йили 1 августга қадар** ўқувчиларни дарсдан бўш вақтларида касб-хунарга ўқитиш истагини билдирган Дастур иштирокчиси сертификатига эга бўлган тадбиркорлар ва мактаблар ўртасида бўш бинони текин фойдаланишга бериш тўғрисида шартнома тузишга кўмаклашсин;

икки ой мuddатда йирик жиҳозлар билан таъминланадиган, мавжуд устахоналари жорий таъмирланадиган ва енгил типдаги устахоналар куриладиган мактаблар ҳамда харид қилинадиган жиҳоз, асбоб-ускуна ва хомашё материаллари рўйхатларини шакллантирсин ва тасдиқласин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

касб-хунар ўқитиш ташкил этилган мактабларни маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан зарур жиҳоз ва хомашё билан таъминлаш;

тадбиркорлик субъектлари томонидан касб-хунарга ўқитиш ташкил этилган мактабларнинг 10–11-синф ўқувчиларини уларнинг ота-онаси ёки ўрнини босувчи шахслардан бирини хабардор қилиш асосида касб-хунарга ўқитиш жараёнида меҳнат қонунчилигига мувофиқ тадбиркорлик субъектларида белгиланган ойлик иш ҳақининг камидаги 50 фоизи микдорида иш ҳақи олишни ташкил этиш чораларини кўрсинг.

8. Белгилансинки, мактабларнинг бино ва иншоотларидан фойдаланишда қуйидагилар тақиқланади:

бино ва иншоотларни хусусийлаштириш;

ўқувчиларнинг соғлиги ва хавфсизлигига салбий таъсир қилувчи тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш;

бинолар ва иншоотлар, шу жумладан, еости иншоотларини қуриш (енгил конструкцияли иншоотлар бундан мустасно);

кўнгилочар, умумий овқатланиш ва савдо объектларини ташкил этиш.

9. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 2-иловага мувофиқ айrim қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

10. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳукукий ҳужжатларни **бир ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазири X.У. Умарова зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил “Г” феврал даги 78-сон қарорига
1-илова

**Ўқувчиларни касб-хунарга ўқитишда умумий ўрта таълим
муассасалари ва тадбиркорлик субъектларининг ўзаро ҳамкорлик
қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом ўқувчиларни касб-хунарга ўқитишда умумий ўрта таълим муассасалари (кейинги ўринларда – мактаблар) билан тадбиркорлик субъектлари ва хунармандларнинг (кейинги ўринларда – тадбиркорлар) ўзаро ҳамкорлик қилиш тартибини белгилайди.

2. Мактаблар ва тадбиркорлар ўртасидаги ҳамкорлик қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

биринчи йўналиш – Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) томонидан “Бизнес ва касб-хунарга ўқитиш” йўналиши жорий этилган мактабларга тадбиркорларнинг мутахассислари ёки хунармандлар касбий таълим устаси лавозимига (ўриндошлиқ асосида) жалб этилади;

иккинчи йўналиш – мактабнинг бўш биноси “20 минг тадбиркор – 500 минг малакали мутахассис” дастури (кейинги ўринларда – Дастур) иштирокчиларига амалий мономарказни ташкил қилиш учун ўқувчиларни дарслардан бўш вақтларида касб-хунарга ўқитиш шарти билан тўғридан-тўғри шартнома асосида уч **йилгача** бўлган муддатга текин фойдаланишга берилади.

Бунда мактаб томонидан текин фойдаланишга бериладиган бўш бинодан келгусида мактаб эҳтиёжи (ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури, обьектдан самарали фойдаланиш бўйича тармоқ жадвали, ўқувчилар сони коэффициентига нисбатан ортиб бориши) юзага келганда, текин фойдаланишга бериш муддати уч **йилдан кам** этиб белгиланиши мумкин;

учинчи йўналиш – Дастур иштирокчиси сертификатига эга бўлмаган тадбиркорларга ўқувчиларни дарсдан бўш вақтларида касб-хунарга ўқитиш ва тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун “E-auksion” электрон савдо платформаси орқали мактабнинг бўш биноси ижарага берилади.

3. Мактаблар билан тадбиркорлар ўртасидаги ҳамкорлик асосида ўқувчиларни касб-хунарга ўқитиш жараёнида фойдаланиладиган жиҳозлар ўқитиладиган касб-хунарнинг турига қараб, мазкур Низомга иловага мувофиқ Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларни касб-хунарга ўқитиш устахоналарида фойдаланиладиган жиҳозларнинг рўйхати асосида шакллантирилади.

2-боб. Ўқувчиларни касб-хунарга ўқитишни ташкил этиш

4. “Бизнес ва касб-хунарга ўқитиш” йўналиши 10–11-синфларда жорий этилади.

Мазкур йўналишда ўқитиладиган касб-хунар турлари жорий ўқув йилидан олдинги ўқув йилининг 9-синф битиравчилари ўртасида ўтказилган сўровнома натижасига кўра аниқланади.

5. Ўтказилган сўровнома натижасига кўра синфлар касб-хунар турларига ажратилади.

Бунда ўқувчиларнинг қизиқишлидан келиб чиқиб, синфлар касб-хунар турлари бўйича қайта тақсимланади.

Синфлар қайта тақсимланганда, уларнинг сони мактабдаги мавжуд синфлар сонидан ошмаслиги лозим.

6. “Бизнес ва касб-хунарга ўқитиш” йўналиши жорий этиладиган мактаблар рўйхати касб-хунарга ўқитиш бўйича яратилган шароитлар, шу жумладан, уларнинг жиҳозланганлиги ва малакали мутахассисларнинг мавжудлигини инобатга олиб, Вазирлик томонидан тасдиқланади.

7. Вазирлик ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан касбларнинг ўқув режаси ва дастурлари ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

8. Касблар ҳар бир 10–11-синфда ҳафтасига 3 соатдан – жами 6 соат ўқитилиб, бир синфда кўпи билан иккита касб ўргатилади.

Синфдаги ўқувчилар бир касбни танлагандан, уларнинг сони 25 нафар ва ундан ортиқ бўлса, мазкур касб икки гурухга бўлиб ўқитилади.

Бир синфдаги ўқувчилар иккита касбни танлагандан, уларнинг сонидан қатъи назар, машғулотлар касб турлари бўйича икки гурухга бўлиб ўқитилади.

3-боб. Тадбиркорлар томонидан мактабларда касб-хунарга ўқитиш учун тўгаракларни ташкил этиш

9. Тадбиркорлар томонидан мактабларда ўқувчиларни дарсдан ташқари бўш вақтларида “устоз-шогирд” анъанаси асосида бепул касб-хунарга ўқитиш учун тўгараклар (кейинги ўринларда – касб тўгараклари) ташкил этилади.

10. Касб тўгаракларига касбга қизиқиши бўлган 7–11-синф ўқувчилари жалб этилади.

11. Касб тўгаракларини ташкил этган тадбиркорлар ўқувчиларнинг хавфсизлиги ва ижтимоий тенглигини таъминлаш, тўгарак учун зарур жиҳозлар ва хомашё билан таъминлаш мажбуриятини олади.

4-боб. Мактабнинг бўш турган биносини тадбиркорга фойдаланишга бериш

12. Вазирлик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлари билан келишган ҳолда, ҳар йили 1 майга қадар касб тўгараклари учун мактабларнинг бўш бинолари манзилли рўйхатини шакллантириб, Савдо-саноат палатаси ва Давлат активларини бошқариш агентлигига тақдим этади.

13. Савдо-саноат палатаси мактабларнинг текин фойдаланишга бериладиган бинолари тўғрисида ўзининг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида ва ижтимоий тармоқларда эълон беради.

14. Савдо-саноат палатаси ҳар йили 1 июнга қадар мактабларда касб тўгаракларини ташкил этиш истагини билдирган Дастур иштирокчиларига мактабларнинг бўш бинолари тўғрисидаги маълумотларни етказади.

15. Савдо-саноат палатаси ҳар йили 1 июлга қадар мактабларда касб тўгаракларини ташкил этиш истагини билдирган Дастур иштирокчилари рўйхатини шакллантириб, Вазирликка тақдим этади.

16. Вазирлик рўйхатни тегишлилиги бўйича мактабларга етказади.

17. Мактаблар ҳар йили 1 августга қадар Дастур иштирокчиси бўлган тадбиркорлар билан мактабларда касб тўгаракларини ташкил этиш истагини билдирганда, касб тўгаракларини ташкил этиш ва тадбиркорлик фаолиятини юритишида бинони текин фойдаланишга бериш бўйича З йилгача бўлган муддатга тўғридан-тўғри икки томонлама шартнома тузади.

Бир вақтнинг ўзида Дастур иштирокчиларидан бир нечтаси томонидан таклиф этилаётган мактабда амалий мономарказ ҳамда ўқувчилар учун касб тўгаракларини ташкил этиш истаги билдирилганда, ўқувчилар манфаатлари устунлиги ҳамда мактаб жойлашган худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича драйвер йўналишлар инобатга олинган ҳолда, Вазирлик ва Савдо-саноат палатаси ўзаро келишиб, битта тадбиркорни танлаб беради.

18. Мактаб биносини текин фойдаланишга ёки ижарага оловчи тадбиркорга қуйидаги талаблар қўйилади:

тадбиркорлик субъектининг давлат рўйхатидан ўтганлиги;

ўқувчиларнинг соғлиғи ва ўқишига салбий таъсир қилмайдиган фаолият билан шуғулланиши;

мактабда ташкил этиши назарда тутилган касб тўгараклари бўйича малакали мутахассисларга эга эканлиги.

19. Томонлар ўртасида тузиладиган шартнома шартларига қуйидагилар мажбурий тарзда киритилиши лозим:

тадбиркорлик субъекти ва мактабнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

ўқувчиларни касб-хунарга ўқитиш шартлари ва тартиби;

тузилган шартнома муддати якунланганидан кейин мактаб мулкини қайтариш ҳолати ва тартиби;

мактабнинг олинган мулкини тиклаш ва таъмирлаш бўйича мажбуриятлар;

коммунал хизматлар учун тўловларни амалга ошириш шакллари ва тартиби.

20. Мактабнинг касб тўгараклари учун ажратилган биноси (хонаси) жиҳозланган (асбоб-ускуналар билан таъминланган) бўлса, улардан фойдаланиш бўйича белгиланган тартибда алоҳида пулли ижара шартномаси тузилади.

Бунда асбоб-ускуналар Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 декабрдаги 660-сон қарори билан тасдиқланган Давлат мулкини ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ ижарага берилади.

Шартномада жиҳозларнинг сони, ишчи ҳолати, фойдаланиш шартлари, жиҳозларнинг сақланиши ва ишчи ҳолатда бўлиши бўйича тадбиркорнинг жавобгарлиги аниқ кўрсатилиши шарт.

21. Шартноманинг амал қилиш муддатида тадбиркорга берилган бинодан фойдаланишига ва қонуний фаолиятига мактаб ёки бошқа ташкилотлар томонидан тўсқинлик қилиш тақиқланади (форс-мажор ва қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно).

22. Тадбиркор шартнома асосида олган бинони (унинг бир қисми), учинчи шахсларга (ижрага) берилишига ёки гаровга қўйилишига йўл кўйилмайди.

5-боб. Мактаб ҳамда тадбиркорнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

23. Мактаб қўйидаги хукуқларга эга:

тадбиркор томонидан ташкил этиладиган касб тўгараги билан бевосита танишиш;

ўқувчиларга ўзаро тенг, адолатли, профессионал тарзда касб ўргатилишини, уларнинг хавфсизлиги ва касб тўгаракларида қатнашишини назорат қилиш.

24. Мактаб:

тадбиркорни электр ва коммуникация тармоқлариiga уланиши учун шароит яратиши;

тадбиркор томонидан ташкил этилган касб тўгараклари дарсларига бошқа шахслар (ўқувчилар)нинг халақит қилмаслигини таъминлаши;

тадбиркор томонидан хомашё олиб кириш ва тайёр маҳсулотларни олиб чиқиш учун дарс жараёнлариiga халақит қилмайдиган йўналишларни ташкил этиши;

тадбиркорнинг тўлиқ қонуний фаолият юритиши учун зарур шароитларни яратиши лозим.

Мактабга қонунчилик хужжатларига ҳамда тадбиркор билан тузилган шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

25. Тадбиркор қуидаги ҳукуқларга эга:

мактабда ўкув жараёнига салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда ҳамда касб тўгаракларидан ташқари вақтларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш;

ажратилган бинодан тўлиқ фойдаланиш;

касб тўгаракларини ташкил этишда ўкув семинарларини ўтказиш ва бизнес кейслар тақдим этиш;

ўқувчиларга “устоз-шогирд” анъанаси бўйича устоз бириктириш;

бинога зарап етказмаган ҳолда, тадбиркорлик фаолияти ва маҳсулотлари рекламасини жойлаштириш;

мактабнинг барча ўқувчилари, ота-оналар, кенг жамоатчилик учун дарсларга халақит қилмаган ҳолда, кўргазмалар ва маҳорат дарслари ташкил этиши;

фаол ўқувчиларни рафбатлантириш;

маҳсулотни сотиш ёки кўрсатилган хизматдан олинган даромад ҳисобидан ўқувчилар (уларнинг ота-онаси ёки васий розилиги) билан тузилган меҳнат шартномасига асосан ўқувчи меҳнатига ҳақ тўлаш.

26. Тадбиркор:

касб тўгаракларини мактаб билан келишган ҳолда ташкил этиши;

мактабда ўрнатилган ички тартиб-қоидаларга риоя қилиши;

натижага йўналтирилган касб тўгаракларини ташкил этиши;

касб тўгаракларини малакали ходимлар билан таъминлаши;

ўқувчиларнинг иқтидори, ижодий қобилияти ва қизиқишлигини рўёбга чиқаришда кўмаклашиши;

ўқувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаши;

ўргатиладиган касб турлари бўйича жиҳозлар ва хомашё билан таъминлаши;

жиҳозлардан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш ҳамда жиҳозлар ва маҳсулотларни асраб-авайлаши;

текин фойдаланиш ёки ижарага олинган бинонинг конструкциясини асл ҳолда сақлаш, ер майдонлари ҳолати бузилишининг олдини олиши;

коммунал хизматлар учун алоҳида ҳисоблагичлар ўрнатган ҳолда, тўловларни ўз вақтида амалга ошириши лозим.

Тадбиркор зиммасига қонунчилик хужжатларига ҳамда Мактаб билан тузилган шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

6-боб. Якунловчи қоидалар

27. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

28. Мактаб мулкини ижарага беришда вужудга келадиган низолар қонунчилик хужжатларида ва ижара шартномасида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Ўкувчиларни касб-хунарга ўқитишда умумий
ўрта таълим муассасалари ва тадбиркорлик
субъектларининг ўзаро ҳамкорлик
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
илова

**Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларни
касб-хунарга ўқитиши устахоналарида
фойдаланиладиган жиҳозларнинг
РЎЙХАТИ**

Т/р	Жиҳозлар номи
I. Йирик жиҳозлар	
1.	Тикув машинаси (кўп тармоқли)
2.	Ёғочларга ишлов берувчи токарлик дастгоҳи
3.	Арраловчи дастгоҳ (столда ишлаш учун)
4.	Автомобиль двигатели
5.	Автомобиль диагностика аппарати
6.	Автомобиль юриш қисмлари намунаси
7.	Автомобиль кўттаргич (гидравлик)
8.	Компьютер тўплами
9.	3D принтер
10.	Электрон доска
11.	Рангли принтер
12.	Фотоаппарат (Canon)
13.	Тикув машинаси (оверлог)
14.	Автомобиль шиналарини мувозанатлаш дастгоҳи
15.	Пайвандлаш трансформатори
II. Кичик жиҳозлар	
16.	Мольберт
17.	Манекенлар (болалар, аёллар, эркаклар учун)
18.	Дазмол (дазмол тахтаси билан)
19.	Масштабли чизғич
20.	Метр (ёғочли)
21.	Тасмали ўлчагич
22.	Игна ва антишвона
23.	Қайчи тўплами
24.	Игна (тикув машиналари учун)
25.	Тик турадиган тош ойна (170x60)
26.	Бичиш столи (100 x 200)
27.	Андава
28.	Ёғоч ўймакорлиги учун асбоблар жамламаси (20 номдаги ўйиш ускуналари ва пардоз асбоблари)
29.	Кўргазмали қуроллар (усталар томонидан яратилган асарлар)
30.	Дурадгорлик асбоблари жамламаси

Т/п	Жиҳозлар номи
31.	Циркуль
32.	Электр тешиш асбоби (электродрель)
33.	Үткирлаш учун дастгоҳ
34.	Пармаловчи дастгоҳ (столда ишлаш учун)
35.	Махсус кийим (ўқитувчи ва ўқувчилар учун)
36.	Шахсий буюмларни сақлаш учун шкаф
37.	Чилангарлик асбоблари ва турли хил мосламаларни сақлаш учун тортмалар билан жиҳозланган шкаф
38.	Машинадан олиб ташланган блок ўрнатиладиган махсус кўргазма стенди
39.	Ички ёнувдвигателининг кўргазма стенди
40.	Қисмларни ювиш ускунаси
41.	Қисмларни пуллаш учун компрессор
42.	Захира қисмларни сақлаш учун жавон
43.	Маиший ва иш қолдиқларини сақлаш учун қутилар
44.	Турли ўлчамдаги бураб очиш ва қотириш мосламалари тўплами
45.	Темирни қисиши дастгоҳи (тиска)
46.	Болғалар
47.	Омбурлар тўплами
48.	Подшипник ҳалқаларини ечиш учун универсал ингичка илгакли ечгич (шестерна)
49.	Клапан ечгич
50.	Инжекторлар тизимини тозалаш мажмуаси
51.	Мой фильтрини ечгич
52.	Пайвандлаш аппарати
53.	Авточилангарлик асбоблари тўплами
54.	Ҳимоя ғилофи (руль, ўриндиқ ва бошқа қисмлар учун)
55.	Диодли ускуна
56.	Лампали ускуна
57.	Электр кабель
58.	Ўт ўчиргич
59.	Алмаштириладиган подшипниклар тўплами
60.	Стопор шайбасини қўювчи ва оловчи ускуна
61.	Мой идиш
62.	Махсус кийим
63.	Махсус оёқ кийим (металл таглиги мавжуд бўлган)
64.	Ҳаво пуркагич
65.	Сартарошлик анжомлари
66.	Тароқлар тўплами
67.	Универсал сартарошлик махсус курсилари (гидравлик ва оёқ учун таглик)
68.	Ойна

Т/п	Жиҳозлар номи
69.	Сув иситиш мосламаси
70.	Анжомлар учун жавон (касб турлари бўйича)
71.	Кир ювиш машинаси
72.	Соч дазмоллаш ускунаси
73.	Сочик қуритиш мосламаси
74.	Сочиклар
75.	Тиббиёт қутиси
76.	Соч бўяш асбоблари
77.	Кесиш (резка) дастгоҳи
78.	Кавшарлаш (пайка) дастгоҳи
79.	Босим билан ҳаво юбориш дастгоҳи (компрессор)
80.	Электр токи сақлагичи (UPS)
81.	Электр тармоғи фильтри (“пилот”)
82.	Принтер (3 таси 1 да)
83.	Челак
84.	Сирли тогора
85.	Қолип
86.	Ганч пичоги
87.	Искана
88.	Шутургардон
89.	Электрон доска
90.	Тикув игнаси
91.	Махсус стол
92.	Кетмон
93.	Хаскаш
94.	Белкурак
95.	Суғориш идиши (лейка)
96.	Қўлқоп
97.	Пичоқ ва қайчилар
98.	Игналар
99.	Ангишвона
100.	Тўғноғичлар
101.	Кашта тикиш учун махсус ускуналар
102.	Чўткалар (кисточка)
103.	Доска
104.	Кашта тикиш машинаси
105.	Шурупларни қотириш ва бўшатиш ускунаси
106.	Кийимлар жавони (қизлар ва ўғил болалар)
107.	Чарм қирқувчи махсус пичоқ ёки қайчи
108.	Махсус бигизлар
109.	Пойабзal қолиплари
110.	Мих суғуриш учун омбур

Т/п	Жиҳозлар номи
111.	Косибчилик тикув машинаси
112.	Кўргазмали воситалар учун жавон
113.	Кулолчилик чархи
114.	Махсус кулолчилик иш столи (1 та стол, 1 та стул)
115.	Кулолчилик асбоблари
116.	Лойни ивитиш учун узун тогора
117.	Қуритиш учун жавон
118.	Қуруқ лой сақлаш учун қути
119.	Қоришлима сақланадиган сирланган идиш (10 литр)
120.	Сув сақлаш учун сирланган идиш (10 литр)
121.	Ўқувчилар учун кулолчилик дастгохи
122.	Қуритиш печкаси (муфелли печь)
123.	Ошхона жавони
124.	Ошхона буюмлари тўплами
125.	Крем учун махсус қопчалар
126.	Электр токли печка
127.	Шарбат тайёрлагич
128.	Гўшт қиймалагич
129.	Ультра тўлқинли иситгич
130.	Аралаштириш мосламаси (миксер)
131.	Махсус музлаткич
132.	Идиш ювиш мосламаси (раковина)
133.	Ошхона тарозиси
134.	Қолиллар тўплами
135.	Хамир ёйиш учун ёғочли дастгоҳ (ўқлов тахта)
136.	Болалар, аёллар, эркаклар манекенлари
137.	Масштабли чизғич (линейка)
138.	Тахтали метр (100 см)
139.	Қайчилар тўплами
140.	Иш учун дастакли қайчилар
141.	Дурадгорлик асбоблари жамланмаси
142.	Арраловчи дастгоҳ (столда ишлаш учун)
143.	Ҳар хил диаметрли парма
144.	Пармаловчи дастгоҳ учун исканжа
145.	Исканжали дурадгорлик столи (оёқ ости таглиги билан)
146.	Мебель йигиш асбоблари жамланмаси
147.	Пичоқлар тўплами
148.	Ошхона жиҳозлари
149.	Идишлар тўплами
150.	Идиш ювиш учун қўлқоп тўплами
151.	Тахтакач тўплами
152.	Миллий таомлар ошпази учун махсус кийим

Т/р	Жиҳозлар номи
153.	Электр печкаси
154.	Музлаткич
155.	Қиздириб елимлаш ускунаси (фен паяльник)
156.	Қувват блоки (блок питания)
157.	Платани ушлаб тургич
158.	Тандир
159.	Стол (хамир учун)
160.	Супра гиламча
161.	Элак (турли ўлчамда)
162.	Хамир маҳсулотларини ёйиш учун ёғоч таёқ (ўқлов)
163.	Нон ёпиш ускуналари (енгча, рапида)
164.	Нонни хамири устига безак бериш ускунаси (нонпар)
165.	Нон сават
166.	Хамир қориш учун тогора
167.	Турли ўлчамдаги идишлар (каслар бўйича)
168.	Электр токини мувозанатлаштиргич (стабилизатор)
169.	Селфи таёқчаси
170.	Махсус чилангарлик столи (тискаси билан)
171.	1, 2-ўлчамдаги қувур учун бураб очиш ва қотириш мосламалари
172.	Ранда
173.	Металлга ишлов бериш дастгоҳи (фреза дастгоҳи)
174.	Пардозлаш дастгоҳи (силлиқлаш)
175.	Болт ва гайкаларни ечиш учун бураб очиш ва қотириш мосламалар тўплами
176.	Пармалаш патрони
177.	Чархлаш учун тоштахта
178.	Белги қўядиган плита
179.	Стол усти чархлаш дастгоҳи (таглиги билан)
180.	Стол усти пармалаш дастгоҳи (таглиги билан)
181.	Ярим тайёр маҳсулот учун жавон (стеллаж)
182.	Деталларни ташиш учун арава
183.	Қувур эгиш мосламаси
184.	Асбоблар учун металл шкаф
185.	Фотоаппарат учун ёритгич
186.	Филдирак қотиргич
187.	Кўтаргич (домкрат, 3 т.)
188.	Шиналарни мувозанатлаш учун тирагич
189.	Шиналарни ямаш учун махсус пеъ
190.	Электр токини ўлчагич (тестер)
191.	Химоя кўзойнаги
192.	Газда кесадиган асбоб-ускуналар
193.	Диэлектрик гиламча

Т/п	Жиҳозлар номи
194.	Химоя ниқоби
195.	Пайвандловчи учун асбоблар мажмуи
196.	Заррабин (лупа)
197.	Металл бўлмаган материалларни газ оловида пайвандлаш жиҳози
198.	Аргонли электр ёйи ёрдамида пайвандлаш жиҳози
199.	Карбонат ангидрид гази (CO_2) ёрдамида пайвандлаш жиҳози
200.	Қисқич ускуналари (струбсина)
201.	Пластмассани пайвандлаш аппарати
202.	Пайвандлаш автомати
203.	Пайвандлаш тўғрилагичи (выпрямитель)
204.	Пайвандлаш ярим автомати
205.	Пайвандловчининг маҳсус кийими (пойабзал, куртка, шим, қалин матоли енглар)
206.	Универсал чархлаш дастгоҳи
207.	Пайвандлаш ишлари учун маҳсус дастгоҳ
208.	Деталларни сиқиш ва бўшатиш учун тиргак
209.	Пайванд чокларини текшириш учун андоза, қолип
210.	Кўргазмали қуроллар (плакатлар ва схемалар)
211.	Контакт йўли билан аниқ (кичик жой) пайвандлаш машинаси
212.	Соч олиш учун фартук

Изоҳ. Касб-ҳунарга ўқиттиши устахоналарида фойдаланиладиган йирик ва кичик жиҳозлар рўйхатига Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишган ҳолда ўзгартириши ва қўшишмчалар киритилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил “ГГ” феврал даги 78-сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорлариға
киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги 140-сон қарори билан тасдиқланган Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомнинг 29-банди иккинчи хатбошисидаги ““Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик” фанлари” сўzlари ““Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик” ва “Касбий таълим” фанлари” сўzlари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 декабрдаги 660-сон қарори билан тасдиқланган Давлат мулкини ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 18-бандида:

а) қўйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 2 февралдаги ПҚ-53-сон қарорига асосан умумий ўрта таълим муассасаларининг бўш биноларини “20 минг тадбиркор – 500 минг малакали мутахассис” дастури иштирокчилариға амалий мономарказни ташкил қилиш ва кейинчалик ўқувчиларни касб-хунарга ўқитиш учун тўғридан-тўғри шартнома асосида текин фойдаланишга беришга рухсат этилади”;

б) учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

